

# КАСБИЙ ТАЪЛИМ - ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



ТОШКЕНТ, 2014



Таълим муассасаларидан эртанги мустақил ҳаёт учун учирма бўлиб чиқаётган ҳар бир ўқувчи ёки талаба ҳар томонлама етук, бугунги кун талабига жавоб берадиган, тилларни (ўз она тилини ҳам) мукаммал биладиган, рақобатбардош кадр бўлиб етишишини ҳар бир ўқитувчи хис қилиши, бу хиссиётни ўқувчилар қалбига сингдира олиши керак, деб ўйлаймиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўрта махсус таълим масканлари ва Олий даргоҳларда таълим олаётганбаъзи ёшларимизнинг ёзма ва оғзаки иутқ кўникмалари суст ривожланган. Бу уларнинг умумтаълим мактабларида олган билимлари билан изоҳланади. Бизнингча, ҳозирда таълим масканларида она тили ва адабиёт фанларида дастурларда ёзма (мустақил иш, иншо, баён) ишларни кўпайтириш керак, деб ўйлаймиз. Қолаверса, Олий таълим масканларига кириш учун тест сновларидан олдин ҳар бир абитуриент иншо ёзиб топширса, албатта, улар учун келгусида яхши мутахассис бўлиб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиларкан. Масалан, Россия Федерациясида келгуси ўқув йилидан бошлаб барча Олий ўқув юртларига ўқишга кирувчилар тест сновларидан олдин иншо (сочинение) топшириш йўлга қўйилганлиги эътиборга сазовордир.

Бундан ташқари, таълим масканларида иқтисод фанларини ўқитишда ташкилотлардан мутахассисларнинг тажрибаларидан суянган ҳолда уларни таълим масканларига жалб этиб, ўқувчиларга дарс ўтиб бериш учун таъкид этилса, ҳам машғулот самарадорлиги ошади, ҳам ўқувчи ва талабаларнинг фан ва касбга бўлган кўнрақчиликлари ортади. Ваҳоланки, бу тажриба адабиёт ва тарих фанларини ўқитишда анчадан бери яхши йўлга қўйилган. Кўнрақ фан арбоблари, эл назаридаги артистлар, снэсатчилар, давлат ва жамият арбоблари томонидан ўқувчи – ёшларга таълим бериш яхши амалиётга айланиб қолган.

Юртбошимиз 2014 йили – “Соғлом бола йили” деб аташган йил маънода ёшларимизнинг келажакда жаҳон миқёсида рақобатбардош, эҳлини, маданиятли, билимли, одоб-ахлокли бўлиб шаклланишини ушбу йилга хос йил бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз. Ёшларимиз барқарор инсон бўлиб шаклланишида эса, таълим масканлари билан бир қаторда улар амалиётда бўладиган ташкилотлардаги мутахассислар ҳам бу хиссаларини кўшишлари керак деб ўйлаймиз.

Ўқувчи ва талабаларимиз келажакда рақобатбардош эканлиги ёшлар етишишида таълим муассасалари ва корхоналарнинг ўзига хос таълим йўлга қўйиш, том маънода, юксак натижаларга олиб чиқишига ишонимиз.

Шундай экан, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси учун барқарор маъсул эканлигини унутмаслигимиз шарт.

## МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРГА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Дуйсенов Н.Э., Байдуллаев А.С.—

Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежи

**Калит сўзлар ва иборалар:** муаммоли таълим технологияси, репродуктив фикрлаш, назарий ва амалий изланишлар, моҳият.

Махсус фанларни ўқитишда муаммоли таълим технологияси – ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутлар камайишининг жадаллашиб бораётганлиги, бўш вақтнинг кўپайганлиги, мамлакатимиз бутун аҳолисининг билим ва маданият даражасининг ошаётганлиги ва шу муносабат билан кишилар маънавий ўқувчиларнинг ўсаётганлиги таълим тизимига жуда катта таъсир кўрсатаётир. Бугунги кунда мустақил фикр юрита оладиган ва мустақил ҳаракат қила оладиган ёш авлодни тарбиялаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун кам дидакт олимлар ва илғор ўқитувчилар ўқувчиларда ўқув фаолиятига ижодий ёндашишни ривожлантириш йўллари кунт билан изламоқдалар. Булар жамиятни тарбиялашнинг янги тузилмасини яратишдан иборат умумий жараённинг давомидир. Қўйида таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган фаол методлардан бири бўлган муаммоли ўқитишнинг моҳияти ва афзалликлари тўғрисида тўхталамиз.

Ўқув жараёнини ўқувчиларда фақат репродуктив фикрлашни эмас, балки шу каторда ўқувчиларни ижодий фикрлашни ҳам шакллантирадиган қилиб, ташкил қилиш муҳим ҳисобланади. Шунга қўра, дидактик изланишларга муаммоли ёндашиш тушунчаси кириб келди. Таълимдаги муаммолиликни ўқувчиларнинг ўқув муаммосини англашлари ва ҳал қилишлари сифатида тушунамиз. Таълимдаги муаммолиликнинг муҳим хусусияти муаммоли вазиятни вужудга келтириш ҳисобланади. Аниқлаб муаммоли вазият ҳаётий далиллар ва воқеалар асосида таркиб тўптирилади, чунки бу вазият табиий шаклга қанча мос бўлса, ўқувчиларни фаоллаштириш ва муаммонни ҳал қилишга жалб этиш имконияти шунча катта бўлади.

Таълимдаги муаммолилик анъанавий дидактиканинг тамойиллари ва усуллари билан инкор қилмайди, балки уларга таянади. Таълимга муаммоли ёндашишни жорий этишдан мақсад — ҳозирги таълим жараёнини ўқувчиларнинг ижодий фикрлашни фаол ривожлантирадиган методлар ва усуллар билан тўлдиривидир.

Ўқитилган назарий ва амалий изланишлар шунинг кўрсаткичи, касб-ҳунар қўлланмаларида малакали кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини таълимдаги муаммолиликнинг махсус фанларни самарали ўқитиш белгилайди. Махсус



фанларни ўқитишнинг ўзига ҳос хусусиятларидан бири уларнинг умумтаълим фанлари негизда ўқитилиб, ўқувчиларнинг ушбу йўналишдаги билимларини кенгайтиришида намоён бўлади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари махсус фанлар билан ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Махсус фанларни ўқитиш методларини танлаш, ўқув максалларини белгилаш ўзига ҳосликни талаб этади. Махсус фанларни ўқитиш методикасига доир ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, ўқувчиларда касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришда муаммоли ўқитиш технологияси яхши натижа беради. Муаммоли ўқитиш технологияси – ўқувчиларнинг билим имкониятлари, ижодий қобилиятлари ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара беради.

Махсус фан ўқув дастурларига мувофиқ ўтиладиган маъруза, амалий машғулот ва лаборатория дарслари учун тузилган таркатма материалларда келтирилган муаммоли топшириқлар бўйича ўқувчилар мустақил равишда тайёрлаб келадиган саволлар уларда ижодий фикрлашни уйғотишда муҳим роль ўйнайди. Фикрлашга мажбур этадиган баъзи саволларни тавсифлаб кўрамиз.

Саволларни муҳокама этиш ўқитувчи учун ҳам фикрлаш йўналишини белгиловчи йўлланма сифатида фойдалидир. Аввал тайёрланган саволлар ва муаммони ечиш жараёнида тузилган саволларни муҳокама қилиш лозим. Масалан, «Тикув машинаси игнасининг синиши сабаблари нимада?». Бу савол умумий бўлиб, унга жавоб бериш чуқур фикрлашни талаб этади. Аудиториянинг тайёргарлик даражасига қараб, муаммони тарафтиришни талаб этувчи кичик муаммоли саволлар қўйиш мумкин: «Механикавий ва ультратовушли бичиш усулларининг бир-биридан фарқи нимада?», «Тикув жараёни сифатига қандай омиллар таъсир қилади?», «Қайси ҳолларда газлама сурилиши юйинлашади?».

Муаммони амалий жиҳатдан ҳал этиш борасида ўз-ўзимизга савол бериб, фикримизни онгли бошқаришимиз мумкин.

Аввал фикр юритиш учун зарур бўлган муаммо танлаб олинган. Муаммони ечишнинг ҳар қайси босқичида қатор саволлар берилади. Булар жумласида энг умумийларини мисол қилиш мумкин.

1. «Бу нима учун керак?»
2. «Бу қаерда тайёрланади?»
3. «Бундай шароитларни яратиш мумкинми?»
4. «Бу шароитларни ким ва қачон яратади?»
5. «Маҳсулот таннархига қандай таъсир қилади?» ва ҳ.к.

Ижодий муаммоларни ечишда эркин саволлар бериш керак бўлади. Масалан, «Агар ... бўлса, нима бўлади?», «Яна нима ... ?» ва б.

Вазиятли масалани ечишда яна шундай саволлар бериш мумкин: «Бунда қандай янги шакллардан фойдаланишимиз мумкин?», «Бунда яна қаерда қўлланиш мумкин?».

Мавжуд жиҳоз ёки нарсаларни такомиллаштириш, маҳсулотларни турини ўзгартиришга оид саволлар ҳам анча ёрдам беради. Ўз-ўзига яна шундай саволлар бериш мумкин: «Агар бунинг бирор жойини ўзгартирсак, нима ҳодиса рўй беради?», «Буни яхши томонга қандай ўзгартириш мумкин?», «Жараёнининг ўзида қандай ўзгартиришлар қилишимиз мумкин?». Саволлар янги технологияни ўзгартириш ёки яратишга қаратилган бўлса, юқори даражада самара беради.

Ижодий муаммоларни ечишда катталаштириш, кичрайтириш, бўлиш усулларидан фойдаланиш мумкин. Катталаштириш тонфаси янгиликни яратишда чексиз имкониятларни таъминлайди. Катталаштириш доирасини тадқиқ этиш учун ўқувчи ўзига қуйидаги саволларни беради: «Нима қўйиш мумкин?», «Бу янада кучли (қудратли) бўлиши мумкинми?».

Вазиятли масалаларни гуруҳнинг барча қатнашчилари билан биргаликда муҳокама қилиш мумкин. Бунда юқори натижаларга эришишни таъминловчи қуйидаги омилларни назарда тутиш лозим.

Гуруҳда монелик (тўсқинлик, қаршилиқ қилиш, йўл қўймаслик) ва тобелик (ўқитувчининг фикрига қарамлик, итоаткорлик)дан озод бўлиши ва вазиятли топшириқни ечишдаги имкониятларини махсус психологик асослаш орқали гуруҳдаги ҳар бир ўқувчининг фикрлашини рағбатлантириш керак. Тўғри ечим таклиф этилиши билан муҳокама тугалланади, дейиш нотўғри бўлиб, гуруҳда билдирилган ижодий фикр диалогли тарзда тадқиқ этилиши лозим.

Юқори самарадорликка эришишни таъминловчи асосий тушунтирувчи биринчи сабаб шундаки, ўқувчиларнинг ижодий гуруҳига ижодиёти юқорироқ бўлган шахслар қўшилади ва уларнинг муаммоли масалани ечишда қатнашиши катта самара келтиради.

Ижодий фикрлашни ташкил этишнинг юқорида тавсия этилган тизимида ўқувчилар фикрлаш ва ижодиёт, ижодиётни ривожлантириш ва намоён этиш, гуруҳда муваффақиятли ишлаш кабилардан унумли фойдаланадилар.

Муаммоли ўқитишда махсус фан ўқитувчисининг фаолияти қуйидагилардан иборат бўлади:

- ўқувчилар олдида муаммоли савол қўяди;
- муаммоли саволни ечиш имкониятларини ташкил қилади;
- ечимнинг тўғрилигини исботлашни таклиф этади;
- агар ўқувчилар томонидан берилган фараз тўғри бўлса, янги олинган билим юзасидан хулоса қилишларини тавсия қилади;
- агар жавоб ноаниқ бўлса, у ҳолда аниқлаштирувчи саволни қўяди;
- жавоблар ва ечимлар бўйича ўқувчиларни рағбатлантиради ёки баъзи ноаниқликларни кўрсатади;
- билимларни мустаҳкамловчи саволни қўяди;
- олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш учун машқ ёки топшириқ беради.

Ўқувчининг фаолияти қуйидагилардан иборат бўлади:



- саволни тўлиқ қабул қилади ва уни ечиш имкониятларини ўйлай бошлайди;
- қўйилган савол бўйича ечимнинг турли вариантларини таклиф қилади;
- ечимлардан бирининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилади;
- янги эгалланган билим тўғрисида хулоса ва фикрлар билдиради;
- аниқ ечимни излайди;
- мавзу бўйича кўпроқ маълумотга эга бўлади;
- ўз таклифи ва хулосаларни такрорлаш орқали билимларини мустаҳкамлайди;
- назарий билимни амалиётда қўллашга йўналтирилган топшириқларни бажаради.

Имкониятлари чекланган ўқувчиларга махсус фанларни муаммони таълим технологияларини қўллаб таълим беришда, муаммони, яъни саволларни тўғри қўя билиш ва уларнинг ечимини гуруҳ билан бирга ва яқка ҳолда излаш катта аҳамият касб этади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008.
2. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли дугат. Тошкент, "Fanvatechnologiyalar" 2008.
3. Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям / Под общей редакцией заслуж. деятеля наук РФ, академика РАО С.Н. Батышева: - 2-е издание перераб. и доп. - М.: Ассоциация «Профессиональное образование», 1999.

## МУНДАРИЖА

### СЎЗ БОШИ

### ПЕДАГОГИКА

	3
<b>Таълим тизимидаги муаммолар.</b>	
<i>Бекназаров Қ.</i> .....	4-5
<b>Юксак педагогик маҳорат – ҳозирги замон талаби.</b>	
<i>Носурова К.Р., Утепова Ф.</i> .....	6-9
<b>Приучим детей к моральным нормам общества.</b>	
<i>Мирзатиева Д.</i> .....	10-15
<b>Роль туристических подходов в эстетическом воспитании школьников.</b>	
<i>Турсунов Г.</i> .....	15-19
<b>Ёшлар тарбиясида миллий кадрларнинг ўрни.</b>	
<i>Комисова М.</i> .....	20-23
<b>Механизм обобщения профессионального опыта педагога в процессе повышения квалификации.</b>	
<i>Мамедова Н.</i> .....	23-27
<b>Правильное планирование учебной деятельности обуславливает достижения качества в образовании.</b>	
<i>Алиев А.Г.</i> .....	28-34
<b>Ўқувчиларга билим беришда педагогик технология усулларида самарали фойдаланиш.</b>	
<i>Мирзаев У.С., Атаханова Р.</i> .....	34-36
<b>Фанларни ўқитишда экология масалари.</b>	
<i>Қосимова Г.</i> .....	37-39
<b>Zamonaviy texnologiyalarning ta'limdagi o'рни</b>	
<i>Мақсудова Г.</i> .....	39-41
<b>Имконияти чекланган ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг роли.</b>	
<i>Бобоқулов И., Амонова З.</i> .....	42-45
<b>Пословицы и поговорки как неотъемлемый элемент воспитания и обучения учащихся.</b>	
<i>Қуббона М.</i> .....	46-49
<b>Ўқувчи – ёшлар тарбиясида таълим ва тарбия уйғунлиги</b>	
<i>Абдуллаева С., Сулаймонова Д.</i> .....	50-53
<b>АНИҚ ФАҢЛАР</b>	
<b>О некоторых направлениях осуществления взаимосвязи между курсами «Алгебра и начала анализа» и «Геометрия»</b>	
<i>А. Ҳарманов</i> .....	54-60